

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**РУЗИЕВ НЕМАТ РУЗИЕВИЧ**

**НООРГАНИК ТЕХНОГЕН ЧИҚИНДИЛАРДАН КОМПЛЕКС  
Фойдаланиб, сульфотемирли клинкерлар олишнинг  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА ЭНЕРГИЯ-, РЕСУРС ТЕЖАМКОР  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси  
02.00.15- Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати (мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

**Рузиев Немат Рузиевич**

Ноорганик техноген чиқиндилардан комплекс фойдаланиб, сульфотемирли клинкерлар олишнинг илмий асослари ва энергияресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш.....3

**Рузиев Немат Рузиевич**

Разработка научных основ энерго- и, ресурсосберегающей технологии получения сульфожелезистых клинкеров с комплексным использованием техногенных отходов неорганического происхождения..... 29

**Ruziyev Nemat Ruziyevich**

Development of scientific foundations and energy-resource-saving technologies for the production of composite materials for multifunctional purposes.....55

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**РУЗИЕВ НЕМАТ РУЗИЕВИЧ**

**НООРГАНИК ТЕХНОГЕН ЧИҚИНДИЛАРДАН КОМПЛЕКС  
Фойдаланиб, сульфотемирли клинкерлар олишнинг  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА ЭНЕРГИЯ-, РЕСУРС ТЕЖАМКОР  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси  
02.00.15- Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.DSc/T451 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Негматов Соғибжон Садыкович**  
техника фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси ФА академиги

**Искандарова Мастура**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Сейтгазаров Атаназар Рейпназарович**  
техника фанлари доктори

**Реймов Ахмед Мамбеткаримович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Юнусов Миржалил Юсунович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Миллий технологик тадқиқотлар университети  
«МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали**

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «7» декабрь 2021 йил соат 10<sup>00</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улугбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, факс (99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (15 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улугбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил «23» ноябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «23»ноябрдаги №15 рақамли реестр баённомаси



**Б.С. Закиров**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.С. Салиханова**  
илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**Ш.С. Намазов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш котибдаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, академик

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда қурилиш материаллари саноати, жумладан, цемент ишлаб чиқаришда энергия ва ресурстежамкор замонавий технологияларни жорий қилиш, паст ҳароратда қуйдириладиган махсус клинкерларни пишириш ва улар асосида юқори эксплуатация хоссаларига эга цементлар ишлаб чиқариш ва бу мақсадларда маълум даражада ишлов босқичидан ўтган иккиламчи минерал хомашёлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан цемент ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг устувор вазифаларидан биридир. Бу ўринда цемент сифатини яхшилаш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда, ёқилғи-энергетика ресурслари баҳосининг, бинобарин цемент қийматининг доимий ортиб боришини инобатга олган ҳолда, паст ҳароратларда пишириб олинadиган клинкер ва улар асосидаги цементларни олиш тезимлари ишланмаларини тадқиқ этиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, таркибида пишириш ҳароратини пасайтиришга хизмат қиладиган қўшимчалари бор бўлган хомашёларни излаш ва уларни клинкер ишлаб чиқаришда қўллаш мумкинлигини текшириш, маълум даражада ишлов босқичидан ўтган металлургия, кимё, тоғ-кон маъданларини бойитиш саноатлари чиқиндиларидан клинкернинг пишириш ҳароратини пасайтиришдаги хусусиятларини ўрганиш, янги турдаги табиий ва техноген хомашёлар асосида паст ҳароратда қуйдириладиган клинкерларни олишнинг илмий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш, янги таркибли махсус цементларнинг физик-механик, физик-кимёвий ва қурилиш-техник хусусиятларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қурилиш индустрияси ва бошқа саноат тармоқларининг жадал ривожланиши, қурилиш материаллари ва буюмлари, жумладан цемент ва цементбетон ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, уларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва таннархини пасайтириш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам сарфли энергиятежамкор усулларни қўллаш, цемент ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, импорт ўрнини алмаштирувчи ва экспортбоп маҳсулотларни тайёрлаш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан ноорганик чиқиндилари асосида сульфотемир клинкерлар олиш ва улардан фойдаланиб арзон ва юқори сифатли цементлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3696-сон «Цемент ички бозирини стабиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 26-майдаги ПҚ-4731-сон «Олмалик КМК» АЖ фойдали қазилма конларида қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни купайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Ноорганик саноат чиқиндилари асосида сульфотемир клинкерлар олиш технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, шу жумладан Jamcem Consulting Cement Industry (Буюк Британия), CNBM Engineering Co Ltd (Хитой), Белгород давлат технологик университети, Россия кимё-технология университети ва Цемент илмий-изланиш институти (Россия), Жанубий Қозоғистон Давлат университети (Қозоғистон), Aslan Çimento AŞ (Турция), Gambarotta Gschwendt (Италия), Whitehopleman (Англия), CNBM Engineering Co Ltd (Хитой), Тошкент кимё-технология институти, Умумий ва ноорганик кимё институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Таркибида сульфоалюминат ва сульфоферрит минераллари бўлган паст ҳароратларда клинкер олишни такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: клинкер сифатини ва шу билан цемент хоссаларини яхшилашга йўналтирилган янги русумдаги жиҳозлар яратилган (CNBM Engineering Co Ltd, Хитой); электротермофосфорли тошқол миқдори юқори бўлган қўшимчали ва сульфатбардош цементлар ишлаб чиқариш технологиялари ишлаб чиқилган (Жанубий Қозоғистон Давлат университети, Қозоғистон); мустаҳкамлиги бўйича жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчи юқори маркали цементларнинг таркиблари ишлаб чиқилган («Евроцемент групп», Россия); юқори сифатли манзарали цементлар ишлаб чиқариш технологиялари такомиллаштирилган (Cement Manufacturers Association of

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари тавсифи <http://www.nist.gov>, [www.ukgu.kz/ru](http://www.ukgu.kz/ru), <http://www.cmaindia.org/>, [www.heidelbergcement.com/en](http://www.heidelbergcement.com/en), <https://cembureau.eu>, <https://www.muctr.ru>, [www.ultratech.com/](http://www.ultratech.com/), <https://www.susu.ru/ru>, <https://www.vdzone.de/>, [www.whitehopleman.com/](http://www.whitehopleman.com/), <https://www.dalmiabharat.com/>, [www.cnbmengineering.cm/](http://www.cnbmengineering.cm/), [www.gambarotta.it/](http://www.gambarotta.it/), [www.bwfgroup.de/](http://www.bwfgroup.de/), [www.sanghiment.com/](http://www.sanghiment.com/), [www.aslancimento.com.tr/](http://www.aslancimento.com.tr/) ва бошқа ҳаволалар.

India, Хиндистон); гибрид қўшимчали композицион цементлар ишлаб чиқарилган (Aslan Çimento AŞ, Туркия).

Дунёда цемент саноатини янада ривожлантириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: табиий хомашё ресурсларини тежаш, ишлаб чиқаришга минерал техноген чиқиндиларни қамраб олиш, клинкерни куйдириш ҳароратини пасайтириш орқали энергия ва ресурстежамкорликни таъминлаш, ишлаб чиқариш хажмини ошириш, таннархни пасайтириш, махсус цемент турлари технологияларини ўзлаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сульфоминерал таркибли клинкерларни паст ҳароратларда олиш технологиясини яратишда бир қатор олимлар, хусусан, В.К. Классен, Б.Э. Юдович, В.В.Тимашев, Т.В. Кузнецова, В.К Ларионов, А.П. Осокин, И.П. Зозуля, С.А. Зубехин, Ю.Р. Кривобородов, С.Л.Литвер, Л.В.Никитина, З.Б.Энтин (Россия), S.R.Tan, A.J. Howard, I.D. Birchall (Буюк Британия), В.Л. Иваницкий, Е.Т. Бережненко (Украина), Т.А. Атакузиев, М.И. Искандарова, С.А.Ходжаев, Д.К.Адилов, А.Мусурманкулов (Ўзбекистон), Н.В.Ротыч, Б.Т. Ассакунова (Қирғизистон), W. Kurdowsri, С.М. George, F.R. Sorrentino (Бразилия) ва бошқалар ўз илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида сульфоферрит клинкер ва крентлар олишнинг хомашё базаси кенгайтирилган; цемент тошидаги «кристалл марказлари»ни ҳосил қилиш жараёни такомиллаштирилган, юқори мустаҳкамликка, совуққа ва атмосфера таъсирига чидамли цементларнинг таркиби аниқланган, сульфатбардош, кенгаювчи ва зўриқувчи цементларнинг оптимал турлари ишлаб чиқилган; қўшимчали цементлар ишлаб чиқаришда вулқон тоғ жинсларидан фаол минерал қўшимча сифатида қўлланилиши таклиф этилган.

Шу билан бирга, сульфоферрит клинкер ва улар асосида махсус цементларни олиш бўйича: пўлат эритиш тошқоллари асосида олинган клинкерларнинг муқобил параметрлари аниқлаш; сульфатли хомашёларни паст ҳароратларда куйдиришда ҳосил бўладиган сульфоклинкерларнинг янги таркиблари аниқлаш; сульфоалюминат, сульфоферрит ва сульфосиликатларнинг сульфоцементлар гидратацияси ва қотиши жараёнидаги ўзаро таъсир механизми илмий асослаш; газбетон ва газблоклар учун юқори маркали цементларнинг структурасини аниқлаш; янги турдаги композицион цементлар ишлаб чиқаришнинг кам босқичли ва энергиятежамкор технологиясини ишлаб чиқиш юрасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ноорганик кимё институти илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-3.16 «Сульфоалюминат - сульфоферрит, сульфоферрит - сульфосиликат, сульфоалюминат – сульфосиликат - сульфоферрит» системалари гидратацияси, фазавий боғланишлар механизми ва структура ҳосил қилиш жараёнларини тадқиқ қилиш асосида паст

ҳароратли сульфотемирцементлар олиш технологиясини яратиш; №ИТД-13-050 «Қурилиш, кимё ва бойитиш саноати чиқиндиларини комплекс қайта ишлатиш орқали цемент олишнинг энерго- ва ресурстежамкор технологияси» ва №ИК-09-08/2 «Олмалиқ КМК мис эритиш ва рух ишлаб чиқариш ва «Аммофос-Максам» АЖ чиқиндиларини паст ҳароратли коррозиябардош цементларга комплекс қайта ишлашни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш» мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кон - металлургия ва кимё саноати чиқиндиларидан комплекс фойдаланиб сульфоалюмотемир (САТ) клинкерлар ва улар асосидаги кўп функционал композицион боғловчи материалларни яратишнинг илмий асослари ва технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кальций сульфоферрит минералини синтез қилиш, гидратация жараёнида унинг фазавий таркиби ва структурасини тадқиқ қилиш;

икки компонентли  $C_4A_3\check{S}-C_4F_3\check{S}$  системаси гидратациясида ўзаро таъсир жараёнларини, гидратация жараёнида минерал ташкил этувчилари нисбатига қараб янги ҳосилалар, сульфоалюминат-сульфоферрит композитлари структурасининг шаклланиши ва унинг физик-механик хусусиятларини ўрганиш;

икки компонентли  $C_5S_2\check{S}-C_4F_3\check{S}$  системаси гидратациясида ўзаро таъсир жараёнларини, гидратация жараёнида минерал ташкил этувчилари нисбатига қараб янги ҳосилалар, сульфоферрит-сульфосиликат композитлари структурасининг шаклланиши ва унинг физик-механик хусусиятларини ўрганиш;

уч компонентли  $C_4A_3\check{S}-C_4F_3\check{S}-C_5S_2\check{S}$  системасида борадиган гидратация жараёнларини ўрганиш ва юқори мустаҳкамликга эга сульфо-алюмо-темирли композит шаклланиши қонуниятларини ўрнатиш;

$C_4A_3\check{S}$ ,  $C_4F_3\check{S}$  ва  $C_5S_2\check{S}$  минералларининг оптимал нисбатларини башорат қилиш хулосаларини бериш ва сульфо-алюмо-темирли клинкерларни синтез қилишда хомашё композициялари таркибларининг амалий тавсияларини ишлаб чиқиш;

янги хомашёлар асосидаги композицияларининг реакцияга киришишга мойиллигини ўрганиш, минераллар ҳосил бўлишининг ўзига ҳос томонларини, кимёвий-технологик параметрларини, жараённинг оптимал ҳароратини ва САТ клинкерлари структурасини куйдиришдаги шаклланиши аниқлаш;

паст ҳароратларда олинадиган САТ клинкерлари асосидаги цементлар физик-механик хусусиятларини аниқлаш ва маҳаллий табиий ва техноген хомашё ресурсларини қўллаб уларни олишнинг амалий тавсиялари ва меъёрий базасини яратиш;

портландцемент асосида САТ клинкер билан модификацияланган композицияли боғловчиларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқиш ва уларнинг қурилиш-техник хусусиятларини ўрганиш;

саноатда паст ҳароратли САТ клинкери ва улар асосидаги цементларнинг тажриба-синов партиясини чиқариш ва синовдан ўтказиш;



махаллий минерал техноген чиқиндилардан комплекс фойдаланиб САТ клинкерлари ва улардан кўп функционал композицион боғловчи материалларни ишлаб чиқаришнинг экологик, технологик ва иқтисодий самарадорлигини асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида  $C_4A_3\check{S}$ ,  $C_4F_3\check{S}$  ва  $C_5S_2\check{S}$  ларнинг турли нисбатларда олинган икки ва уч компонентли сульфоминерал композициялари, қўйи асосли сулфоалюмотемир хомашё композициялари, уларни паст ҳароратларда куйдиришдан олинган клинкерлар ва улар асосидаги кўп функционал композицияли боғловчи материаллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни икки ва уч компонентли  $C_4A_3\check{S}$ - $C_4F_3\check{S}$ ,  $C_4F_3\check{S}$ - $C_5S_2\check{S}$ ,  $C_4A_3\check{S}$ - $C_4F_3\check{S}$ - $C_5S_2\check{S}$  системалар гидратациясида сульфоминерал композитлар ҳосил бўлиш билан борадиган минералларнинг ўзаро таъсир жараёнлари, сулфоалюмотемирли хомашё композицияларни паст ҳароратларда куйдиришда ўринли бўлган физик - кимёвий ўзгаришларнинг ўзига хос томонлари, паст ҳароратларда олинадиган САТ клинкерлари асосидаги цементлар гидратацияси ва қотишидан ҳосил бўлган конгломерат структурасининг шаклланиш гинезиси, ҳамда САТ клинкерлари билан модификацияланган портландцемент асосидаги кўп функционал композитларнинг шаклланиши ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда стандартлаштирилган физик-механик (ГОСТ 310.1-76, ГОСТ 310.4-85) ва физик-кимёвий (рентгенофазавий-ДРОН-2 дифрактометрида, ИК-спектрлар-«Spekord 75iR» спектрофотометрида, ДТА-МОМ фирмасининг Q-1500 дериватографида, электрон парамагнит резонанси-«Radiopon» фирмасининг SE/2543 радио-спектрофотометрида, минераллар ва цементных композитлар микроструктураси-ЭМВ-100БР электрон микроскопида ва SEM 255 M/EDAX 9900 сканирловчи электрон микроскопида) таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кальций сульфоферрит  $C_4F_3\check{S}$  гидротацияси ва структура ҳосил қилиш жараёнларини комплекс таҳлили орқали унинг мустаҳкамлиги ва янги ҳосилаларнинг морфологияси орасидаги боғлиқликлар илмий асосланган;

илк бор икки ва уч компонентли минерал системаларда шаклланаётган сульфоминерал композитларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичларига турли комбинация ва нисбатларда олинган сулфоалюминат ( $C_4A_3\check{S}$ ), сульфосиликат ( $C_5S_2\check{S}$ ) ва сульфоферрит ( $C_4F_3\check{S}$ ) ларнинг ўзаро таъсир жараёнлари боғлиқликлари исботланган;

икки ва уч компонентли минерал системаларда турли комбинация ва нисбатларда олинган  $C_4A_3\check{S}$ ,  $C_5S_2\check{S}$   $C_4F_3\check{S}$  минералларининг гидратация жараёнини физик-кимёвий таҳлили асосида биринчи мартаба сулфоалюмотемирли клинкерларни олиш технологиясининг илмий асослари ишлаб чиқилган;

сулфоалюмотемирли хомашё композицияларини куйдириш жараёнида минераллар ҳосил бўлишининг кетма-кетлиги натижасида икки кальцийли феррит ( $C_2F$ ) нинг ҳосил бўлиши  $800^\circ\text{C}$  ҳароратда бошланиб,  $1100^\circ\text{C}$  да  $C_4F_3\check{S}$

нинг ҳосил бўлиб 1200-1250 °C ҳароратда  $C_2F$ ,  $C_2S$ ,  $SO_2$  ва  $CaO$  ларга парчаланиши исботланган;

САТ цементларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари хомашё композитларининг ТК ва  $n_s$  кўрсаткичларига боғлиқликлари ТК=0,667 бўлганида 1200°C да куйдирилган клинкер асосидаги цементнинг мустаҳкамлиги ТК=0,8 бўлган клинкердан олинган цементнинг мустаҳкамлигидан юқори бўлиши,  $n_s$  кўрсаткичининг ортиши билан цемент тошининг гидравлик активлиги «400» ва «500» маркагача ортиб бориши асосланган;

портландцемент гидратация жараёнида САТ цементлар билан легирланиши йўли орқали юқори мустаҳкам, совуқ ва атмосфера ўзгаришлари таъсирига бардошли, кенгаювчи ва зўриқувчи хусусиятларга эга кўп функционал композит боғловчи материалларни олишнинг илмий асослари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хомашё сифатида кимё, металлургия ва қурилиш соҳалари чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш орқали паст ҳароратларда олинадиган энергия ва ресерстежамкор САТ клинкерларни олиш технологияси яратилган;

САТ клинкери ва улар асосидаги табиий гипс тошини қотиш даврини бошқаришда қўлламайдиган цементларни олиш технологик тизими ишлаб чиқилган;

ЁЭР ларни иқтисод қилишни таъминлайдиган ва куйдириш печлари ва цемент тегирмонлари қувватини оширадиган, оддий портландцемент клинкерини куйдириш ҳароратидан 250-300 °C паст ҳароратларда пишираладиган САТ клинкерларини ишлаб чиқаришнинг энергиятежамкор омиллари исботланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган натижалар замонавий тадқиқот усулларини қўллаш билан асосланган ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти икки ва уч компонентли сульфоминерал системалар гидротацияси жараёнида  $C_4F_3\check{S}$ ,  $C_4A_3\check{S}$  ва  $C_5S_2\check{S}$  ларнинг ўзаро боғлиқлик қонуниятлари аниқланганлиги, паст ҳароратли САТ клинкерларни сульфотемир хомашё композицияларнинг турли ТК ва  $n_s$  қийматларида юқоридаги минералларнинг оптимал комбинация ва нисбатларини тадқиқ қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти портландцемент клинкерини куйдириш ҳароратидан 250-300°C паст ҳароратларда пишираладиган САТ клинкерларини ишлаб чиқаришнинг технологияси ишлаб чиқилганлиги, хомашё сифатида кимё, металлургия ва қурилиш соҳалари чиқиндиларини комплекс қайта ишлатилиши, иссиқлик элтгичлари сарфининг 25-30% га камайтирилиши, куйдириш печлари ва цемент тегирмонлари қувватининг оширилиши ва 400-500 маркали махсус цементларни олишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Паст ҳароратли САТ клинкерларни ва улар асосидаги цементлар технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

сульфотемирли цемент олиш учун техник шарти «Ўзстандарт» агентлиги тамонидан тасдиқланган (Ts №00193350:2001). Мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилиш имконини берган;

САТ клинкери ва унинг асосидаги гипс қўшилмайдиган цементлар ишлаб чиқаришнинг паст ҳароратли технологияси «Олмалиқ кон металлургия комбинати» АЖнинг Жиззах цемент заводи бўлимида амалиётга жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2021 йил 19 августдаги АА-006890-сон маълумотномаси). Натижада, клинкер куйдириш ҳароратини 300°С га камайтириш, табиий гипс тошинининг 100%, ёқилғи-энергетика ресурсларининг 25-30% иқтисодини таъминлаш имконини берган;

сульфоалюмотемирли цемент олиш технологияси «Навоий КМК» АЖнинг нинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Навоий КМК» АЖ нинг 2021 йил 14 сентябрдаги № 03-02-11/8921-сонли маълумотномаси) Натижада, сульфотемирли цементлар тез қотувчанлиги, мустаҳкамлиги ва сув ўтказмайдиган цемент олиш бериш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 32 та республика, 9 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш чоп этилган. шундан 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан, 8 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 210 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация тадқиқотларининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиёти-нинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг биринчи «Сульфферрит композицияли материалларни яратиш ва технологиясини ривожлантириш муаммоларининг ҳозирги ҳолати»** номли бобида кальций сульфферрит, унинг асосидаги клинкер, цемент ва композицияли боғловчилар синтези ва хусусиятлари ўрганиш борасидаги илмий-техник адабиёт ва патентлар шархи келтирилган.

Кўп фазали  $\text{CaO-Al}_2\text{O}_3\text{-Fe}_2\text{O}_3\text{-CaSO}_4$  ва  $\text{CaO-Fe}_2\text{O}_3\text{-CaSO}_4$  системаларида термик ишлов беришда амалга ошадиган минерал ҳосил қилиш жараёнларининг ўзига ҳос томонларини тадқиқ қилиш борасидаги изланишларнинг аналитик таҳлили, бу борада бир қанча қарама-қарши фикрларнинг мавжуд эканлигини кўрсатди. Бир қанча муаллифларнинг фикрича, бу системаларга термик ишлов бериш натижасида ферритлар ва сульфалюминат ва кальций ферритнинг қаттиқ эритмалари ҳосил бўлади, сульфферрит умуман ҳосил бўлмайди. Бошқалари эса,  $\text{CaO-Fe}_2\text{O}_3\text{-CaSO}_4$  системасида  $1100\text{-}1150^\circ\text{C}$  да сульфферрит ҳосил бўлишини таъкидлайдилар. Барча тадқиқотчиларнинг фикри фақат бир борада мос келади, яъни сульфалюминат клинкерларидаги кальций сульфферрит гидратациясининг маҳсули гидросульфферрит, гексогонал кальций гидроферрит ва темир оксиди гидрати эканлигида. Махсус адабиётларда  $\text{C}_4\text{F}_3\checkmark$  ва  $\text{C}_4\text{A}_3\checkmark$  учун алоҳида, ҳамда  $\text{C}_4\text{F}_3\checkmark$  с  $\text{C}_3\text{S}$  ва  $\text{C}_2\text{S}$  аралашмалари, ёки уларнинг кальций сульфалюмоферрит суюқланмасидан ҳосил бўлган қаттиқ эритмалари гидратация жараёнларига оид маълумотлар ёритилган.

**«Тадқиқот объекти ва усуллари танилашнинг асослари»** деб номланган иккинчи бобда объект характеристикаси, тадқиқот олиб боришнинг кимёвий, физик-кимёвий ва физик-механик усуллари ва ускуналари ёритилган. Тадқиқот объекти сифатида икки ва уч компонентла сульфминерал системаларида турли комбинация ва нисбатларда олинган сульфминераллар:  $\text{C}_4\text{A}_3\checkmark$  сульфалюминат,  $\text{C}_4\text{F}_3\checkmark$  сульфферрит,  $\text{C}_5\text{S}_2\checkmark$  кальций сульфосиликат, паст ҳароратда куйдириладиган сульфотемирли хомашёлар аралашмаси, улар асосидаги клинкерлар, цементлар ва оддий портландцемент клинкерини паст ҳароратларда куйдириладиган сульфотемирли цементлар (САТ) билан модификациялаб олинган кўп функционал композицияли боғловчи материаллар ҳизмат қилади.


Паст ҳароратларда куйдириладиган САТ цементлар ва улар асосидаги композицияли боғловчиларни олиш технологияси яратишда бошланғич хомашё материаллари сифатида Кутермин ва Оҳангарон оҳактоши, «Олмалиқ КМК» АЖ нинг оҳак заводида ҳосил бўладиган оҳактошни саралаш чиқиндилари, Чимкўрғон кони гематит маъданлари, «Олмалиқ КМК» АЖ нинг чиқинди майдони тошқоли (ОЧМТ) ва мис эритиш тошқолларини (МЭТ) қайта ишлаш чиқиндилари, «Аммофос-Максам» АЖ фосфогипси, флюорит кумлари (1-жадвал) дан фойдаланилган. Сульфминераллар синтези силит печларида тоза кимёвий реактивларни ( $\text{CaCO}_3$ ,  $\text{CaSO}_4$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ) куйдириш ( $\text{C}_4\text{A}_3\checkmark\text{-}1300^\circ\text{C}$ ,  $\text{C}_5\text{S}_2\checkmark\text{-}1250^\circ\text{C}$ ,  $\text{C}_4\text{F}_3\checkmark\text{-}1200^\circ\text{C}$ ) орқали амалга оширилган.

## Хомашё материалларининг кимёвий таркиби

| Материал           | Миқдори, мас. %  |                                |                                |      |      |                  |                               |                 |      |
|--------------------|------------------|--------------------------------|--------------------------------|------|------|------------------|-------------------------------|-----------------|------|
|                    | SiO <sub>2</sub> | Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> | Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub> | MgO  | CaO  | R <sub>2</sub> O | P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> | SO <sub>3</sub> | ппп  |
| Оҳактош            | 3,54             | 1,54                           | 0,44                           | 1,60 | 50,4 | 0,33             | -                             | 0,1             | 42,0 |
| Фосфогипс          | 14,1             | 1,11                           | 0,69                           | 2,15 | 27,3 | 0,3              | 1,7                           | 35,3            | 17,4 |
| Гематит маъдани    | 40,5             | 7,04                           | 38,45                          | 0,73 | 3,17 | 2,36             | -                             | 1,54            | 6,8  |
| ОЧМТ               | 17,0             | 2,15                           | 71,14                          | 1,48 | 1,36 | 1,18             | -                             | 4,98            | -    |
| МЭТ                | 36,5             | 7,68                           | 48,07                          | 0,29 | 2,76 | 2,51             | -                             | 0,92            | 0,1  |
| Сараланган оҳактош | 6,58             | 2,50                           | 1,15                           | 0,80 | 48,7 | 0,36             | -                             | 0,33            | 39,5 |

Сульфоалюотемирли хомашё аралашмаларини куйдириш жараёнининг яқунланганлиги ва минераллар ҳосил бўлиши рентгенофазавий тадқиқ усули орқали назорат қилинган. Намуналар мустаҳкамлиги тамонлари ўлчами 1,41 см таркиби 1:0 бўлган кичик куб намуналарда аниқланган. Сульфотемирли хомашё композициялари таркиби ва улар асосидаги клинкерларнинг минералогик таркибини ҳисоблаш Т.А.Отақўзиев томонидан яратилган методика асосида, аввалдан берилган  $TK=0,667$ ;  $0,80$  ва  $n_s=1,0$ ;  $1,5$ ;  $2,0$  қийматларда амалга оширилган. Цементларнинг физик-механик кўрсаткичлари ГОСТ 310.1-76-310.3-76 ва ГОСТ 310.4-85 талабларига мувофиқ аниқланган. Сульфоминерал композициялар, клинкерлар ва цемент композицияларининг фазавий таркиблари рентгенофазавий, ДТА, ИК-спектроскопик ва электрон-микроскопик усуллар билан ўрганилган.


« $C_4A_3\check{S}$ ,  $C_4F_3\check{S}$ ,  $C_5S_2\check{S}$ лардан ташкил топган сульфоминерал композицияларнинг гидратация боғлиқлари қонуниятларини ўрганиш орқали янги кам энергия талаб этувчи сульфаттаркибли цементлар технологиясининг илмий асосини яратиш» деб номланган учинчи бобда кальций сульфоферрит минерали ва унинг турли хил нисбатларда сульфоалюминат ва сульфосиликат композицияларида температура турғунлиги, физик - механик ва физик-кимёвий хусусиятлари ва уларнинг ўзаро турли морфологик кўрсаткичли сульфоминерал композициялар ҳосил бўлишини аниқлаш бўйича ўтказилган изланишлар натижалари келтирилган. Ўтказилган изланишлар натижасида паст ҳароратларда куйдириладиган сульфотемир клинкерлар олиш технологиясининг илмий асосларига оид, паст ҳароратларда сульфоалюотемир клинкерларни синтез қилиш мумкинлигини,  $C_4A_3\check{S}$ ,  $C_5S_2\check{S}$  ва  $C_4F_3\check{S}$  минералларининг қаттиқ эритма ҳолида эмас, балки автоном ҳолатда турғун ҳосил бўлишини изоҳловчи бир қатор боғлиқлик қонуниятлари аниқланган.  $1200\text{ }^\circ\text{C}$  ҳароратда синтез қилинган сувсиз  $C_4F_3\check{S}$  дифрактограммасида унинг асосий  $d/n=(0,348; 0,265; 0,256; 0,252; 0,222\text{ nm})$  чизиқлари аниқланган (1-расм). Намуна синиқлари юзасининг рельефи қаватли-блок тузилишли эриган юзали шаклсиз масса кўринишида намоён бўлади. Орасида сирпаниш жўякли, йирик донали айрим худудлар ҳам кузатилади.  $C_4F_3\check{S}$  нинг айрим доналари турли хил йўналишга эга, қаватларда жойлашган блок кўринишидига четлари ноаниқ узун призмалардан иборат катта доналар ҳам учрайди.



**1-расм. 1150 °C ҳароратда синтез қилинган сувсиз  $C_4F_3S$  дифрактограммаси ва намуна синиқлари юзасининг электрон микросурати**

Гидратация активлиги бўйича  $C_4F_3S$ ,  $C_4A_3S$  ва  $C_5S_2S$  оралиғида ётади: унинг гидратация даражаси  $C_4A_3S$  га нисбатан 1,5 баробар суств ва  $C_5S_2S$  га нисбатан 4-5 баробар юқори.  $C_4F_3S$  гидратация даражасининг  $C_5S_2S$  га нисбатан суств эканлигини рентгенофазавий таҳлил натижалари ҳам тасдиқлайди: 28 кун ва 3 ой давомида сувда қотирилган  $C_4F_3S$  да кальций гидросульфферритдан ташқари дастлабки минералнинг ниҳоятда интенсив чизиқлари кузатилади, аммо шу давр ичида гидратланган  $C_4A_3S$  нинг интенсив чизиқлари ниҳоятда паст кўрсаткичга эга. Қотиш вақтининг узайиши билан  $C_4F_3S$  нинг гидратация даражаси ортиб боради, натижада қатламли ва поғонали кристалланадиган эттрингитнинг темирли аналоги миқдори ортиб боради.  $C_4F_3S$  нинг текис юзаси сув билан таъсирланиши натижасида бўқади, доналар орасидаги боғлиқлар бузилади ва 3 суткага бориб сфероид, юлдузча, бант ва бошқа шаклли, палахса тузилишли майда янги ҳосиллалар бўкган массадан кристаллана бошлайди (2-расм).

Айрим худудларда улар маълум йўналишга эга ва қотирилган минерал юзасида такрорланувчи кристалл структура ҳосил қиладилар. 3 ой мобайнида ушбу янги ҳосилалар ўлчамлари ва ҳажми катталашиб, бир-бирига киришиб ва қаватлар ҳосил қилиб, қаватли-блок тузилишни ҳосил қилади.



**2-расм. 3 сут (а) ва 28 сут (б) гидратланган  $C_4F_3S$  намуна синиғи рельефи**

Кристаллараро бўшлиқда ғоваклик ичига йўналган игнасимон ва толасимон кальций сульфферрит кристалларининг эркин ўсиши кузатилади, ғовакликларни тўлдириб ва зичлаштириб,  $C_4F_3S$  асосидаги сунъий конгломерат мустаҳкамлигини оширади. Ана шу маълумотларга асосланган ҳолда  $C_4F_3S$  нинг гидратация жараёнига ижобий таъсири, « $C_4A_3S + C_4F_3S$ », « $C_4F_3S + C_5S_2S$ » ва « $C_4A_3S + C_4F_3S + C_5S_2S$ » асосидаги сульфминерал композитлар қотишининг узок даврларида, айниқса улар асосида олинадиган ком-

позицияли боғловчи материалларнинг ишончли ишлатилишини таъминлашда муҳим бўлган, тузилишининг шаклланиши ва мустахкамлиги ортиши мумкинлиги башорат қилинди. Ушбу илмий гипотезани асослаш мақсадида икки ( $C_4A_3\check{S} + C_4F_3\check{S}$ », « $C_4F_3\check{S} + C_5S_2\check{S}$ ») ва уч компонентли (« $C_4A_3\check{S} + C_4F_3\check{S} + C_5S_2\check{S}$ ») система минералларининг гидратациясида ўзаро физик-кимёвий жараёнлар боришини тадқиқ қилиш бўйича изланишлар олиб борилди.

Тадқиқотларни олиб бориш учун қўйидаги нисбатдаги механик аралашмалар тузилди: (5÷40)%  $C_4A_3\check{S}$ , (95÷60) %  $C_4F_3\check{S}$ . Аниқланишича, таркибга 10-50%  $C_4A_3\check{S}$  киритилса,  $C_4F_3\check{S}$  нинг қотиш жараёни бошланғич ҳамда кейинги узоқ даврларда ҳам тезлашар экан. Намуналар мустахкамлиги,  $C_4A_3\check{S}$  миқдорига қараб, (1; 3; 7 и 28) суткада мос равишда  $C_4A_3\check{S}$  мустахкамлигидан (14÷100; 20÷140; 77÷255; 0÷143) % ва  $C_4F_3\check{S}$  мустахкамлигидан (77÷ 211; 80÷260; 119÷326; 47÷258) % юқори. Қотишнинг кейинги даврида (6 ой) бу кўрсаткичлар ҳам юқори ва  $C_4F_3\check{S}$  мустахкамлигидан (54-188) % зиёдрок, аммо  $C_4A_3\check{S}$  мустахкамлигига тенг ёки пастроқ (2-жадвал).


## 2-жадвал

### $C_4F_3\hat{S}$ мустахкамлик кўрсаткичларига $C_4A_3\hat{S}$ нинг таъсири

| Композиция таркиби, мас. % |                   | Сиқилишдаги мустахкамлик чегараси, МПа,сут. |    |    |    |    |     |
|----------------------------|-------------------|---|----|----|----|----|-----|
| $C_4A_3\check{S}$          | $C_4F_3\check{S}$ | 1   | 3  | 7  | 28 | 60 | 180 |
| 100                        | 0                 | 14  | 15 | 18 | 28 | 66 | 75  |
| 0                          | 100               | 9   | 10 | 15 | 19 | 28 | 26  |
| 5                          | 95                | 10  | 14 | 24 | 26 | 32 | 27  |
| 10                         | 90                | 16  | 18 | 32 | 28 | 38 | 40  |
| 20                         | 80                | 18  | 21 | 45 | 45 | 46 | 48  |
| 30                         | 70                | 20  | 32 | 53 | 35 | 42 | 48  |
| 40                         | 60                | 22  | 29 | 40 | 53 | 59 | 57  |
| 50                         | 50                | 28  | 36 | 64 | 68 | 69 | 75  |

$C_4F_3\check{S}$  миқдорининг ортиши  $C_4A_3\check{S}$  гидратацияси жараёнини секинлаштиришга олиб келади. Ушбу сульфоконпозиция қотишида микроструктура шаклланиши  $C_4A_3\check{S}$  қотишига ҳос қонуниятларга бўйсунди ва сульфоминерал заррачалири юзасига пастки қаватлардаги моддаларни чиқиши билан бо-ради. Шу билан бирга, гидратланаётган « $C_4A_3\check{S}+C_4F_3\check{S}+H_2O$ » системасининг асосий кристалл маҳсулотлари сульфоалюмотемир композит кристалл каркас скелет тузилишини ташкил этувчи паст ва юқорисульфат кальций гидросульфоалюминатлари ва уларнинг темирли ўрин алмашган аналоглари ҳисобланади.

$C_5S_2\check{S}$  таркибига 20%  $C_4F_3\check{S}$  киритилса, 28 суткагача бўлган даврда қотиш жараёнининг бирмунча пасайишига қарамай, қотишнинг кейинги даврларида намуналар мустахкамлигининг ортишига ижобий таъсир кўрсатади: таркибига 10-50%  $C_4F_3\check{S}$  бўлган 2 ойлик композиция мустахкамлиги тоза  $C_5S_2\check{S}$  мустахкамлигидан 3-17% юқори. 6 ойга келиб, таркибига 5-20%  $C_4F_3\check{S}$  бўлган композиция мустахкамлиги  $C_5S_2\check{S}$  мустахкамлиги 3-9% юқори (3-расм).  $C_4F_3\check{S}$  миқдорининг 30-50% гача кўтарилиши 6 ойдан сўнг  $C_5S_2\check{S}$  мустахкамлигини 24-49% га камайтиради.



**3-расм.  $C_5S_2\hat{S}$  мустахкамлигига нисбатан  $C_4F_3\hat{S}+C_5S_2\hat{S}$  композициясининг қотишида мустахкамлик ўзгариши**

Таркиблар:  $C_4F_3\hat{S}+C_5S_2\hat{S}$ , (мас. %):  
 1) 5+95; 2) 10+90; 3) 20+80; 4) 30+70

« $C_4F_3\check{S}+C_5S_2\check{S}+H_2O$ » системасида  $C_4F_3\check{S}$  қотиш жараёнини фаоллаштирувчи ва  $C_5S_2\check{S}$  нинг мустахкамлиги оширувчи сифатида намоён бўлади:  $C_4F_3\check{S}$  миқдорига қараб, ушбу композициянинг гидратация жараёни тоза  $C_5S_2\check{S}$  га нисбатан 1,1-1,5 баробар юқори. Сув билан таъсирлашганида кальций гидросульфферрит ва гидросиликатлар кристалланишини таъминловчи юқори структура ҳосил қилувчи хусусиятни намоён қилади: сув билан таъсирланиши биланок думалок  $C_5S_2\hat{S}$  доналари ва шаклсиз  $C_4F_3\hat{S}$  доналари бўкади ва 1 суткада дастлабки доналар юзасида ўлчамлари ўсиб борувчи майда бўртмалар ҳосил бўлади. 3 суткага бориб гидратация жараёни композициянинг қуйи қатламларигача боради, натижада, бўртмалардан ўсиб чиқадиган янги ҳосилалар ўлчамлари катталашиб, палахса тузилишли кристалл агрегатлари ташкил бўлади. Доналар бузилиб, кристаллар бири-бирида эрий бошлайди ва минерал композитнинг гидросиликат ва гидросульфферрит структураси шаклланади. Гидратация даврининг ортиши билан композиция доналари юзасининг тузилиши жиддий ўзгаришларга учрайди. Гидратациянинг 7 суткасига келиб, композициянинг янги қатламлари жараёнда иштирок эта бошлайди, бундан доналар ва гидратация маҳсулотлари юзасида талайгина янги бўртмалар пайдо бўлганлиги далолат беради (4-расм). Параллел жараёнларнинг бориши, яъни гидратация маҳсулотларининг пайдо бўлиши ва янги кристалл ҳосилаларнинг ўсиши, сульфферрит-силикат композитлар гидрат структурасининг зичланиши ва мустахкамланишига олиб келади.



**4-расм. 7 сут қотирилган сульфферрит ва сульфосиликат минерал композиция намунаси синиғи рельефи**

$C_4A_3\check{S}+C_4F_3\check{S}+C_5S_2\check{S}$  сульфминерал композицияси қотиш тезлиги бўйича бошланғич даврда  $C_4A_3\check{S}$  ва  $C_4F_3\check{S}$  оралиғини эгаллайди (3-жадвал).




**$C_4A_3\check{S}$  -  $C_4F_3\check{S}$  -  $C_5S_2\check{S}$  сульфоконпозиция мустахкамлигининг  
сульфоминерал тури ва миқдориға боғлиқлиги**

| Композиция таркиби, мас.% |                   |                   | Сиқилишдаги мустахкамлик чегараси, МПа,<br>сут. |      |      |      |      |      |
|---------------------------|-------------------|-------------------|---|------|------|------|------|------|
| $C_4A_3\check{S}$         | $C_4F_3\check{S}$ | $C_5S_2\check{S}$ | 1   | 3    | 7    | 28   | 60   | 180  |
| 100                       | -                 | -                 | 14,0  | 15,0 | 18,0 | 28,0 | 66,0 | 75,0 |
| -                         | 100               | -                 | 9,0   | 10,0 | 15,0 | 19,0 | 28,0 | 26,0 |
| -                         | -                 | 100               | 12,0  | 12,0 | 16,0 | 22,0 | 25,0 | 56,0 |
| 5                         | 15                | 80                | 11,8  | 12,8 | 22,1 | 29,2 | 31,9 | 42,5 |
| 5                         | 25                | 70                | 14,2  | 16,6 | 23,8 | 33,2 | 47,9 | 48,6 |
| 5                         | 35                | 60                | 14,8  | 18,4 | 26,4 | 28,8 | 53,3 | 59,2 |
| 5                         | 45                | 50                | 11,4  | 15,6 | 27,8 | 32,1 | 58,2 | 69,8 |
| 10                        | 20                | 70                | 11,7  | 15,9 | 26,6 | 34,2 | 66,6 | 72,2 |
| 20                        | 30                | 50                | 11,0  | 16,1 | 28,2 | 36,8 | 55,9 | 74,6 |
| 20                        | 40                | 40                | 15,9  | 21,3 | 31,9 | 38,6 | 63,0 | 78,2 |
| 20                        | 50                | 30                | 15,9  | 21,3 | 26,6 | 34,8 | 68,0 | 78,8 |

7 суткага қадар қотиш жараёни тезлиги ва мустахкамликнинг ўсиши ортиб боради ва аралашмадаги минералларнинг нисбатига боғлиқ ҳолда 28 суткалик мустахкамликнинг  $C_4A_3\check{S}$  га нисбатан 3-32%;  $C_5S_2\check{S}$  га нисбатан 32-75,5%;  $C_4F_3\check{S}$  га нисбатан 50,5-169% юқорилиги билан характерланади. Ана шундай юқори кўрсаткичларни ушбу композициялар  $C_4F_3\check{S}$  и  $C_5S_2\check{S}$  га нисбатан 6 ойдан кейин ҳам намоён қилади,  $C_4A_3\check{S}$  га нисбатан эса миқдори кам ҳолларда мустахкамликнинг пасайиши кузатилади. Юқори мустахкамлик кўрсаткичларини  $C_4A_3\check{S}:C_4F_3\check{S}:C_5S_2\check{S}=1:2:2$  ва  $1:2,5:1,5$  нисбатли композициялар намоён қилади ва улар оптимал деб қабул қилинган (5-расм).

Таркибида  $C_4A_3\check{S}+C_4F_3\check{S}+C_5S_2\check{S}$  бўлган сульфоконпозицияларнинг гидравлик активлиги тоза  $C_4F_3\check{S}$  ва  $C_5S_2\check{S}$  ларга нисбатан юқорирок. Бу системаларда қотиш жараёнининг дастлабки даврида сувни бириктириш  $C_4A_3\check{S}$  гидратациясидагига нисбатан сустроқ боради. 3 ва 7 суткага келиб жараён тезлашиб, гидратация маҳсулотлари  $C_4A_3\check{S}$  гидратациясидаги каби миқдордаги сувни бириктиради. 28 суткадан бошлаб, « $C_4F_3\check{S}+C_5S_2\check{S}$ » композицияларининг қотиш жараёнида боғланган сув миқдори тоза  $C_4A_3\check{S}$  намуналарининг қотишида боғланган сув миқдориға нисбатан 6,0-8,3% га камаяди (4-жадвал).



**5-расм.  $C_4F_3\check{S}$  мустахкамлигига нисбатан  $C_4A_3\check{S}+C_4F_3\check{S}+C_5S_2\check{S}$  минерал композиция қотишида мустахкамлигининг ўзгариши**

Таркиблар:  $C_4A_3\check{S}+C_4F_3\check{S}+C_5S_2\check{S}$

(мас,%): 1) 5+15+80; 2) 5+25+70;

3) 5+35+60; 4) 10+20+70; 5) 20+40+40

**Гидратланган сульфоалюмотемир минерал композицияларда боғланган сув миқдори**

| Компонентлар нисбати, мас. % |                   |                   | Боғланган сув миқдори, % |      |      |       |       |
|------------------------------|-------------------|-------------------|--------------------------|------|------|-------|-------|
| $C_4A_3\check{S}$            | $C_4F_3\check{S}$ | $C_5S_2\check{S}$ | 1сут                     | 3сут | 7сут | 28сут | 90сут |
| 100                          | -                 | -                 | 11,8                     | 22,2 | 25,8 | 28,8  | 31,5  |
| -                            | 100               | -                 | 6,2                      | 14,6 | 16,6 | 20,4  | 25,8  |
| -                            | -                 | 100               | 2,2                      | 2,4  | 2,8  | 5,3   | 18,2  |
| 10                           | 20                | 70                | 12,0                     | 15,7 | 17,5 | 19,4  | 21,3  |
| 20                           | 30                | 50                | 10,7                     | 15,4 | 17,5 | 15,9  | 19,2  |
| 20                           | 40                | 40                | 10,8                     | 15,5 | 18,1 | 21,5  | 19,7  |
| 20                           | 50                | 30                | 10,9                     | 14,5 | 17,2 | 21,3  | 20,8  |

Рентгенофаза ва ИК-спектроскопия таҳлиллари натижасида  $C_4A_3\check{S}$ - $C_4F_3\check{S}$ - $C_5S_2\check{S}$ - $H_2O$  композицияси гидратациясининг бошланғич даврида асосий маҳсулот  $C_4A_3\check{S}$  ва  $C_4F_3\check{S}$  гидратларининг моносулфат шакли, портландит ва икки молекулали гипс эканлиги, 3 сутка ва кейинги даврга келиб эттрингит, унинг темир билан ўрин алмашган аналоги ва кальций гидросулфосиликатлари эканлиги аниқланган. Сульфоалюмотемир минерал композицияларининг гидратацияси босқичли бориши туфайли янги ҳосилалар кристалланиши кетма-кет бориб, узоқ вақт давомида уларнинг ўсиши ва бир-бирида эриши натижасида сульфоалюмотемир композитлари структурасининг зичлашиб бориши ва мустахкамлигининг ортишига олиб келади ва уларнинг мустахкамлиги айрим ҳолларда  $C_4A_3\check{S}$  кабилар мустахкамлигидан юқори бўлади.

